***Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, хусусан, банк-молия тизимини ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Дарҳақиқат, иқтисодиётимиз реал секторининг қўшимча молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, инвестиция жараёнларини фаоллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, иқтисодий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни замонавий банк технологиялари асосида тезлаштиришда молия институтларининг алоҳида ўрни бор. Республика акциядорлик тижорат банки – “Ғаллабанк” томонидан 2007 йилда ушбу йўналишларда олиб борилган тадбирлар бунинг исботидир. Ушбу банк республикамиз молия бозорида эгаллаган ўрнини мустаҳкамлаб, акциядорлар, омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолиятига бўлган ишончини янада ошишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.***

# «Ғаллабанк»: ТАДБИРКОРЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ

## Капитал ҳам, активлар ҳам кўпаймоқда

Якунланган йилда қўлга киритилган муваффақиятларнинг бир неча омиллари бор. Шулардан энг муҳими, банк, аввало, ўзининг капиталлашув даражасини оширишни ўз фаолиятининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб олганидир. Чунки банкнинг капиталлашув даражаси унинг активлари ҳажмини ўстириш, кредитлаш имкониятларини кенгайтириш, рақобатдошлигини кучайтириш борасидаги тадбирларининг молиявий асосини ташкил этади. Шу мақсадда 2007 йилда олиб борилган саъй-ҳаракатлар туфайли банкнинг умумий капитали 31,8 миллиард сўмга етди. Яъни 46,6 фоиз ўсишга эришилди. Ўз навбатида, банк акциядорлик капитали, 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, 14,0 миллиард сўмни ташкил этди. Ҳозир эса, банк акциядорлари қарорига мувофиқ, бу кўрсаткични 38,0 миллиард сўмга етказиш юзасидан иш юритилмоқда.

2007 йил давомида “Ғаллабанк”, шунингдек, ўз фаолиятининг асосий кўрсаткичи ва унинг даромадлари манбаи ҳисобланган активлар ҳажмини барқарор ошириб бориш, сифат даражасини яхшилашга катта эътибор қаратди. Натижада якунда банк активлари ҳажми 113,3 миллиард сўмни ташкил этди. Аниқроғи, 31,7 фоиз ўсиш таъминланди. Бунинг 89,7 фоизи даромад келтирувчи активлардан иборат.

Банк активлари таркибида кредит қўйилмалари асосий улушни ташкил қилди. Унинг ҳажми, 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, 92,1 миллиард сўмга етди ёки йил давомида қарийб 43,0 фоизга кўпайди. Иқтисодиётнинг реал секторида фаолият кўрсатаётган банк мижозларининг қўшимча молиявий воситаларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган кредитлари ҳажми умумий кредит қўйилмаларининг 98,0 фоизини ташкил қилгани ҳолда, узоқ муддатли кредитлар салмоғи 61,0 фоизга етди.

Таъкидлаш керакки, банк кредит портфелининг асосий қисми саноат, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари, ўз маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи мижозлар ҳиссасига тўғри келди.

## Иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили

Сўнгги йилларда иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг татбиқ этиш, янги техникалар ва асосий воситалар сотиб олиш билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бошқа тижорат банклари қаторида “Ғаллабанк”нинг ҳам устувор йўналишларига айланди. Мана, бир неча йилдирки, ушбу банк ўз мижозларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, сифатли ва арзон маҳсулотлар тайёрлаш имкониятини яратиш, шунингдек, корхоналарнинг иқтисодий самарадорликка эришишини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Натижада биргина 2007 йилнинг ўзида банк мижозларининг қарийб 38,8 миллиард сўмлик ана шундай инвестицион лойиҳалари молиялаштирилди.

Дон маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасининг ривожланиши, авваламбор, ички бозорнинг сифатли ун маҳсулотлари ва омихта емга бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Банк шуни ҳисобга олиб, мавжуд ун тегирмонларини модернизация қилишга 6,4 миллиард сўмлик инвестиция кредитлари ажратди. Бу ўз самарасини бермоқда. Масалан, Навоий вилоятидаги “Қизилтепа ун заводи”га сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида зарур жиҳозлар сотиб олиш учун банк томонидан 316,0 миллион сўмлик инвестиция кредити берилганди. Эвазига корхонага бир кунда 60 тоннагача буғдойни қайта ишлаш қувватига эга замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Улар ёрдамида йилига 10500 тонна ун ва 3750 тонна кепак ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

Худди шундай мақсадларни кўзда тутган инвестиция лойиҳалари учун ҳам узоқ муддатли банк кредитлари ажратиш жорий этилди. Натижада “Тўрткўлдонмаҳсулотлари” МЧЖни бир кеча-кундузда 70 тоннагача буғдойни қайта ишлаш қувватига эга янги тегирмон ускуналари билан жиҳозлаш учун 443 миллион 400 минг сўмлик, “Косондонмаҳсулот” МЧЖга 300 миллион сўмлик, “Қувадонмаҳсулотлари” АЖга бир бир кеча-кундузда 250 тонна буғдойни қайта ишлайдиган тегирмонга қўшимча ускуналар ўрнатиш билан боғлиқ лойиҳани молиялаштириш учун 300 миллион сўмлик инвестиция кредитлари ажратилди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистондаги “Чимбой мой”, “Беруний Ёғгар” ва “Турон Хўжайли” ОАЖларига ёғ-экстракция заводларини модернизациялаш бўйича 1,2 миллиард сўмлик инвестиция кредитлари берилди.

Янги линиялар ёрдамида корхоналарда ҳар куни 100 тоннагача чигитни қайта ишлаш, 2-3 тонна ёғ олиш имконияти туғилди. Энг муҳими, маҳсулот таннархи пасайди. Ортиқча харажатлар барҳам топиб, ёғ-мойнинг сифати яхшиланди.

Мамлакатимизда чорвачилик ва паррандачилик тармоқлари учун тўйимли омихта ем тайёрлашни кўпайтириш ҳамда ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга мўлжалланган лойиҳаларни молиялаштириш борасида ҳам салмоқли ишлар олиб борилаяпти. Чунончи, ўтган йили “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ ва Қашқадарёдаги “Дунё-М” АЖга Нидерландиянинг омихта ем ишлаб чиқариш воситалари комплексини келтириш учун 2 миллиард сўмлик инвестиция кредитлари ажратилди. Айни кезларда эса, ускуналарни ишга тушириш, маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйишда мижозларга амалий ёрдам берилмоқда.

Кези келганда, айтиш жоизки, қишлоқ хўжалиги учун зарур минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдолари ўтказиб келинаётгани фермерлар, кичик ва хусусий бизнес вакиллари фаолиятида қўл келмоқда. Замонавий техника воситалари билан яқиндан танишиш, хорижий ҳамкорларни топишда улар айни муддао бўлмоқда. “Ғаллабанк” бундай кўргазма-савдоларда ўз хизматлари билан фаол иштирок этиб, мижозлари томонидан имзоланган 3 миллиард 628 миллион сўмлик 58 та шартноманинг 45 тасини молиялаштириш учун 3 миллиард 328 миллион сўмлик банк кредитлари берди. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Банк ўз мижозлари билан ҳамкорликдаги инвестиция жараёнларида фаол иштирок этиш, иқтисодиётимиз тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган инвестиция кредитлари ҳажмини ўстириш ва бу борада ижобий натижаларга эришиш йўлида бор имкониятларини ишга солмоқда.

## «Фермерларга камарбастамиз»

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларда фаол иштирок этиб, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш лойиҳаларини молиялаштиришга ҳам банкнинг йирик миқдордаги активлари йўналтирилмоқда. 2007 йил давомида қишлоқ хўжалиги субъектларининг жами 269 та лойиҳаси бўйича 11 миллиард 900 миллион сўм миқдорида кредитлар берилгани ва лизинг хизматлари кўрсатилгани фикримизнинг тасдиғидир.

Аҳолини, хусусан, қишлоқ аҳлини иш билан таъминлаш, айниқса, оилалар даромадини оширишнинг муҳим йўналиши ҳисобланмиш чорва моллари сонини кўпайтириш, энг аввало, қорамол боқаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сафини кенгайтириш долзарб вазифалардан биридир. Президентимизнинг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида шу мақсад ўз ифодасини топган. “Ғаллабанк” ва унинг жойлардаги филиаллари ўтган йили ушбу Қарор ижросини таъминлаш борасида талай ибратли ишларни амалга оширди. Кам таъминланган оилаларга чорвачиликни ривожлантириш учун ўз маблағлари ҳисобидан 1,2 миллиард сўм миқдорида кредит ажратди.

Қишлоқ жойларда бозор инфратузилмаларини ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорликни молиявий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ҳам банк фаол иштирок этди. Бу ишдан унинг чекка қишлоқлар ва туман марказларидаги мини банклари ҳам четда қолмаяпти. Таъкидлаш керак, банкнинг айнан узоқ қишлоқларда ташкил топган 69 та мини банки 8500 дан ортиқ мижозларга банкнинг комплекс хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда хорижий кредит линияларидан кенг фойдаланиш масаласига юртимизда катта эътибор берилмоқда. Халқаро Тараққиёт ва тикланиш банки иштирокида амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида банк томонидан умумий ҳажми 1 миллион 700 минг АҚШ долларилик 3 та кредит линиясидан тўла фойдаланилди. Бултур ушбу кредит линиясининг қайтарилган кредитлар ҳисобига револьвер тарзда қиймати 1,0 миллион АҚШ долларилик 26 та янги лойиҳа қайта молиялаштирилди.

## Кичик бизнесга катта кўмак

Бугунга келиб, банк тизимида 22 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектига самарали хизмат кўрсатилмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, 2007 йил мобайнида хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликларига 18 миллиард сўмликдан зиёд кредитлар берилди. Хусусан, банк маблағлари ҳисобидан 17 миллиард 700 миллион сўмлик кредит ажратилиб, шу ҳисобдан жами 1831 та янги иш ўрни яратилди. Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан тадбиркорлар лойиҳаларини молиялаштириш учун берилган 346 миллион 700 минг сўм эвазига яна 200 киши ишли бўлди.

Банк томонидан аҳоли учун замонавий кредит турлари жорий этилгани янги мижозларни жалб қилиш имконини беришдан ташқари, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, унинг истеъмол қобилиятини ошириш, шу тариқа маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда. Ўтган йили шу мақсадда аҳолига ажратилган истеъмол кредитларининг миқдори қарийб 1,6 миллиард сўмни ташкил этди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан, олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида таҳсил кўраётган ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш ниятида ажратилган кредитлар қолдиғи 88,7 миллион сўмдан ортди.

Банкнинг аҳолини моддий қўллаб-қувватлаш борасидаги ибратли ишларидан яна бири Президентимизнинг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида ёш оилаларга уй-жой ва истеъмол кредитлари ажратиш тадбирларида фаол иштирок этганидир. Мазкур йўналишда ажратилган кредит маблағларининг умумий миқдори қарийб 4 миллиард сўмга етди. Унинг 1,9 миллиард сўми ипотека, 800 миллион сўми истеъмол кредитлари, 1,3 миллиард сўми микрокредитлардир.

## Чакана хизматлар бозори кенгайди

Молия бозорида рақобат кучайиб бораётган бугунги кунда янги хизматлар таклиф этиш воситасида мижозлар сафини кенгайтириш ҳамда уларнинг банк тизимига ишончини ошириш “Ғаллабанк”нинг устувор вазифасидир. Шунинг учун янги, замонавий банк хизматларини таклиф этиш, уларнинг тури ва тармоғини кенгайтириш орқали мижозлар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада 2007 йили банкнинг республика молия бозоридаги мавқеи янада мустаҳкамланиб, асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ижобий ўсиш динамикасига эришилди. Буни банк билан ҳамкорлик қилаётганлар сони йил давомида 18,5 фоизга ёки 11650 тага кўпайгани, 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, 74 650 дан ортгани тасдиқлаб турибди.

Президентимизнинг “Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул беришни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ эса, банк филиаллари томонидан мижозларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжини доимий таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Бу борадаги тадбирларни янада фаоллаштириш, жисмоний шахслар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш, шу орқали молия бозорида банкнинг пластик карточкаларига асосланган замонавий усулини таклиф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Муомалага чиқарилаётган пластик карточкалар “Иш ҳақи лойиҳаси” доирасида жойлаштирилаётганлиги, айниқса, ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Нега деганда, ушбу лойиҳа асосида ишни ташкил этиш пластик карточка эгаларини банк чакана хизматларининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш билан бирга, банкнинг нақд пулни жалб қилиш ва улар асосида тўловларни катта харажатларсиз амалга ошириш имконини бермоқда. Бошқача айтганда, банкнинг муомалага чиқарган пластик карточкалари умумий сони 78 мингтага, ўрнатилган терминаллар сони 744 тага етиб, карточкалардаги ойлик ўртача қолдиқ 1,5 миллиард сўмни ташкил қилди. Умумий айланмалар миқдори эса 17 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизмат турлари кўпайган сари уларнинг сифати ҳам сезиларли даражада яхшиланмоқда. Бу эса мижозлар таркибида жисмоний шахсларнинг сони ва уларнинг банк чакана хизматларига қизиқишининг ортишига сабаб бўлмоқда. Шу тарзда банк хизматлари банклараро молиявий хизматлар бозоридаги рақобатга бардош бераётир.

Чакана хизматлардан фойдаланувчилар турли омонатларга ҳам жалб этилмоқда. Масалан, 2007 йили банкнинг миллий ва хорижий валюталардаги 28 тадан ортиқ турли депозитлари амалда бўлди. Натижада банкдаги аҳоли омонатлари қолдиғи 46,0 фоиз ўсиб, омонатчилар сони 48000 тадан ортди. Ҳозирда 13 та миллий ва 4 та хорижий валютадаги омонат турига маблағлар қабул қилинмоқда. Бундан ташқари, айнан жисмоний шахсларга мўлжалланган ва ҳажми 100 миллион сўмлик омонат сертификатларининг VII эмиссияси ҳам муомалага чиқарилди.

Жисмоний шахсларга таклиф этилаётган чакана хизматлар таркибида, айтиш мумкинки, халқаро пул ўтказмалари ҳам жозибадор бўлиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб, бундай шохобчалар фаолияти барча йирик шаҳар ва туман марказларида йўлга қўйилди. Ўз навбатида, уларда амалга оширилаётган пул ўтказмалари ҳажми йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Биргина ўтган йили 9,8 мингдан ортиқ ўтказмалар амалга оширилгани бунга мисол бўла олади.

Бугунги кунда банк томонидан 167 та жамғарма ва 69 та валюта айирбошлаш, 20 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси ҳамда 84 та мини банк ташкил этилган. Улар орқали мижозларга сифатли банк хизматлари кўрсатилаётир. Хусусан, мини банкларнинг 69 таси қишлоқ жойларда бўлиб, улар орқали 8500 дан ортиқ мижозларга хизмат кўрсатилмоқда. Уларнинг 3500 дан зиёди фермер хўжаликлари ҳисобланади.

Банкнинг чакана хизматлар таркибига жисмоний шахслар ва коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги воситачилик амалларини ҳам киритиш мумкин. Бу ҳол жисмоний шахсларнинг банкдаги жамғармалари, хизмат кўрсатилувчи мижозларининг ишчи-ходимлари томонидан банкнинг бундай хизмат туридан кенг фойдаланиш имконини бермоқда.

Банк қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида, шунингдек, 50 дан ортиқ мижозлари учун “Банк-мижоз” дастурий тизимини ишга туширди. Бу банк ва мижоз ҳамкорлигида қўл келмоқда. 2007 йилнинг охирига келиб, мижозлар учун яна бир қулайлик – “SMS-banking” тизими ҳам жорий қилинди. Унинг қулайлиги шундаки, бу хизматдан фойдаланувчилар банкка келмасдан, ўз ҳисобварақларининг ҳолати бўйича тегишли маълумотларни олишлари мумкин.

## Малакали кадрлар – муваффақият гарови

Банкнинг муваффақиятли ривожланишини таъминлашда кадрларни тўғри танлаш, ўқитиш, қайта ўқитиш, рағбатлантириш, бошқаришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, 2007 йилда “Ғаллабанк”да кадрларни сифат жиҳатдан яхшилашга, малакали ходимларни танлаш ва уларнинг малакасини янада ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунга келиб, тизимда банкнинг турли йўналишларида самарали иш ташкил эта оладиган 1100 нафар соҳа мутахассиси меҳнат қилмоқда.

Банк фаолиятига замонавий банк хизматларининг кириб келиши ўз-ўзидан тизимда фаолият юритаётган ходимлар малакасини оширишни, кадрлар потенциалини доимий равишда яхшилашни тақозо этмоқда. Мазкур йўналишда олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг қарийб 32,0 фоизига йил давомида замонавий банк иши асослари бўйича ўз малакаларини оширишлари учун зарур шароитлар яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, банк-молия академияси, Минтақавий банк ўқув маркази ва бошқа молия институтлари билан ўзаро ҳамкорликда банкнинг салкам 500 ходими малака оширди. Ёш мутахассисларни замонавий банк иши бўйича чет эл банклари тажрибасини ўрганиб, амалиётга татбиқ этишни йўлга қўйиш мақсадида 9 нафар ходим Италия, Россия, Ҳиндистон ва Сингапур давлатларида ташкил этилган ўқув курсларида малака ошириб қайтди. Бу анъана жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини бажариш юзасидан банк аниқ вазифаларни белгилаб олди. Хориж инвестицияларини, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кўпайтириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш бўйича лойиҳаларни молиялаш, банк инфратузилмалари тармоқларини янада кўпайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, фермер хўжаликларига ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун талаб этиладиган янги техника ва технологиялар учун имтиёзли шартлар асосида кредитлар ажратиш ва лизинг хизматлари кўрсатиш, “Ёшлар йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш шулар сирасига киради. Бундан ташқари, банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, даромадлилик кўрсаткичларини янада яхшилаш, иқтисодий ислоҳотларда банкнинг ўз активлари билан фаол иштирокини таъминлашга қаратилган тадбирлар изчил амалга оширилади. Банк томонидан молиялаштириладиган инвестицион лойиҳалар ҳажмини кўпайтириш, лизинг ва факторинг амаллари миқдорини ошириш ҳамда банк маблағларини активларга жойлаштиришнинг замонавий усулларини амалиётга татбиқ этиш бўйича ҳам муайян чоралар кўрилади.

РАТБ “Ғаллабанк”ининг 2008 йилга мўлжалланган стратегик режасига асосан, банк умумий капитали, жумладан, акциядорлик капитали ҳажмини янада кўпайтириш, активларнинг ўсишида улар сифатини юқори бўлишига эътибор қаратиш ҳам кўзда тутилган. Йил охиригача соф активлар ҳажмини 163,7 миллиард сўмга, соф фойда кўрсаткичини эса 7,7 миллиард сўмга етказиш мўлжалланмоқда.

***Саид РАҲМОНОВ,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## 2007 йилнинг энг асосий кўрсаткичлари

- 2007 йил якуни бўйича банкнинг умумий капитали ҳажми 31,8 млрд. сўмга етиб, 10,1 млрд. сўмга ёки 46,6 фоизга ўсди. Акциядорлик капитали 6,0 млрд. сўмга кўпайиб, 14,0 млрд. сўмни ташкил этди (75,0 %).
- Соф активлар ҳажми 27,3 млрд. сўмга ёки 31,7 фоизга ортиши туфайли умумий соф активлар ҳажми 113,3 млрд. сўмга етди. Жумладан, умумий кредит қўйилмаларининг миқдори 92,1 млрд. сўмни (43,0 фоиз), кредит портфелида қисқа муддатли кредитлар 35,9 млрд. сўмни (39,0 фоиз), узоқ муддатли кредитлар 56,2 млрд. сўмни (61,0 фоиз) ташкил қилди.
- Инвестицион лойиҳаларни молиялашга жами 38,8 млрд. сўмлик инвестиция кредитлари ажратилди. Унинг 11,3 млрд. сўми 14 та дон маҳсулотлари ва ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонасини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига йўналтирилди.
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитларнинг миқдори 18,0 млрд. сўмни, бунда банкнинг ўз маблағи 17,7 млрд. сўмни (98,1 фоиз) ташкил этди. Кредитлар эвазига 2030 та янги иш ўрни яратилди.
- Банк томонидан хизмат кўрсатилаётган 2073 нафар тадбиркор аёлнинг 721 нафарига иқтисодиётимизнинг турли йўналишларини ривожлантириш мақсадида 2799,3 млн. сўмлик молиявий кўмак берилди.
- Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга 3,95 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.
- Шахсий ёрдамчи хўжаликларда чорва молларини кўпайтиришга 1478,0 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.
- Фермер хўжаликларининг 1,0 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 26 та лойиҳаси ХТТБ кредит линияси ҳисобидан молиялаштирилди.
- Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иқтисодий ислоҳотларда банкнинг иштироки:

— пахта ҳосилини молиялаштириш учун 28,7 млрд. сўмлик, ғалла ҳосили бўйича 4,8 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар берилди;

**Устав капиталининг жами банк капиталидаги улуши (млрд. сўмда)**




— топширилган дон учун якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида жамғарма маблағидан 307,0 млрд. сўм тўланди;

— янги техника, технологик ускуналар ва эҳтиёт қисмларга 12,0 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди;

— ҳудудларда 2,4 млрд. сўмлик, 58 та шартнома асосидаги минитехнологиялар бўйича 3,3 млрд. сўмлик лойиҳалар молиялаштирилди.

- Мижозларнинг нақд пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун 28 та муддатли омонат тури жорий қилинди. 9 та янги жамғарма шохобчаси очилиб, уларнинг жами сони 167 тага етказилди. 10000 тага яқин пластик карточка муомалага чиқарилиб, жами 78000 тага, терминаллар сони эса 744 та етказилди. Улар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми 17,1 млрд. сўмдан ортди.
- Халқаро рейтингга эга бўлиш мақсадида банк "Moody's Investors Service" рейтинг компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

## 2008 йилнинг устувор йўналишлари

- Банкнинг умумий капиталини 59,8 млрд. сўмга, жумладан, акциядорлик капитали ҳажмини 24,0 млрд. сўмга кўпайтириш учун фонд бозорида амалий тадбирлар олиб борилади.
- Иқтисодий ислоҳотларда банкнинг ўз активлари билан фаол иштирокини таъминлашга қаратилган тадбирлар давом эттирилади. Ушбу йўналишда молиялаштириладиган инвестицион лойиҳалар ҳажмини кўпайтириш, лизинг ва факторинг амаллари миқдорини ошириш, шунингдек, банк маблағларини активларга жойлаштиришнинг замонавий усулларини амалиётга татбиқ этиш режалаштирилмоқда.
- Банк инвестициялари устувор тарзда дон маҳсулотлари, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш лойиҳалари, уруғлик буғдой тайёрлаш технологияларини ишга тушириш, омихта ем ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади. Хусусан, мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқлари бўлмиш “Ўздонмаҳсулот” АК ва “Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати” уюшмаси тизимидаги корхоналарни ҳамда бошқа йирик ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш учун 15,4 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилади.
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизматлар кўрсатиш соҳасини, жумладан, тадбиркор аёлларни ҳар томонлама молиявий қўллаб-қувватлаш асосида кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилади.
- Хорижий молия институтлари (ХТТБ, ОРБ, КфВ)нинг узоқ муддатли, паст фоизли кредит линиялари жалб қилиш тадбирлари амалга оширилади.
- Банк инфратузилмалари, жумладан, мини банклари, жамғарма ва халқаро пул ўтказмалари шохобчаларининг тармоқларини янада кенгайтириш чоралари кўрилади.
- Фермер хўжаликларига ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун янги техника ва технологиялар сотиб олишларига имтиёзли шартлар асосида кредитлар ажратилади ва лизинг хизматлари кўрсатилади.
- Мижозларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжларини доимий қондириш ишлари изчил давом эттирилади.
- “Ёшлар йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ёш оилаларга 2,2 млрд. сўмлик ипотека кредитлари, 660,0 млн. сўмлик истеъмол кредитлари, 680,0 млн. сўмлик микрокредитлар ажратилади.
- Ёш ходимларнинг республикамиздаги молия институтлари, академиялар ва Минтақавий банк ўқув маркази ҳамда чет элларда малака оширишлари таъминланади.

**2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар**




| | 31.03.2007 й. | 31.06.2007 й. | 30.09.2007 й. | 31.12.2007 й. |
|---|---|---|---|---|
| Истеъмол кредити (млн.сўм) | 874,2 | 862,1 | 1144,4 | 1518,1 |
| Микрокредитлар (млн.сўм) | 1 293,0 | 1 642,9 | 1 996,8 | 2 266,8 |

# НАВРЎЗ ШУКУҲИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Наврўз тарихидан маълумки, Шарқ халқлари бу кунни катта сайл сифатида нишонлаганлар, бу айёмга деҳқончиликнинг бошланиши сифатида қараганлар. Вилоятнинг Ургут, Нуробод, Самарқанд, Қўшработ туманларида ҳозир ҳам Наврўз табиат бағрида нишонланади.

— Байрам арафасида вилоятимизда миллий спорт ўйинлари бўйича ёшлар фестиваллари, марафон ва кўрик-танловлар ўтказиш режалаштирилган, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Худоёр Аҳмедов. — Жумладан, мактаб ўқувчилари ўртасида варрак учириш мусобақаси, ёш авиамоделчиларнинг кўргазмали чиқишлари, «Қушлар байрами», «Гуллар байрами» тадбирлари, маҳаллаларда «Соғлом оила» спорт мусобақалари уюштирилади. Байрам дастурларида ҳам ёшлар иштирокида лапарлар ва халқ қўшиқларига кенг ўрин берилади.

Вилоятнинг асосий байрам тантаналари ўтказиладиган Самарқанд шаҳридаги «Мўъжиза» амфитеатри, «Ёшлик», «Сўғдиёна» истироҳат боғлари, «Регистон» майдонида тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Вилоятдаги шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирокида жойларда Наврўзнинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятига бағишланган учрашув ва мулоқотлар ўтказилмоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари эса байрамнинг кўнгилдагидек ўтиши учун зарур чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

Ҳа, бугун нафақат мамлакатимизда, балки Самарқанд вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида, дашту далаларида ҳам Наврўз шукуҳи кезмоқда...

**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**



Темур ҚУРБОНБОЕВ сурат-лавҳаси.

**Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойишини жамоамиз аъзолари, ўқувчи-ёшлар катта мамнуният билан кутиб олди.**

# САНЪАТИМИЗНИНГ ЁРУҒ ИСТИҚБОЛИ

▼ Ифтихор

Бизнинг мусиқа мактабимиз нафақат вилоятимизда, балки мамлакатимизда ўз нуфузига эга санъат даргоҳларидан саналади. Бу ерда илк бор мусиқадан сабоқ олган ўқувчилар бугун ўз ўрни ва ҳурматига эга санъаткорлар бўлиб етишишган.

Истиқлол йилларида ўғил-қизларимизнинг иқтидорини юзага чиқариш учун беқиёс имкониятлар яратилди. Буни яққол ҳис қилмоқдамиз. Айни кунда мактабимизда санъатнинг етти тури бўйича 251 нафар ўқувчи таълим олаётир. Уларга мусиқа йўналишида кўп йиллик тажрибага эга 38 нафар муаллим санъат сирларини ўргатаяпти. Жумладан, анъанавий ижрочилик, ўзбек халқ чолғуси, торли, камонли асбоблар, фортепиано ва бошқа йўналишларда машғулотлар олиб борилмоқда.

Рақс санъати бўйича ҳам бўлажак раққосалар билан мунтазам шуғулланмоқдамиз. Ўтган йили Мухтор Ашрафий номидаги республика танловида мактабимизнинг қобилиятли беш ўқувчиси ўз иқтидорини намоён қилиб, фахрли ўринларга сазовор бўлди.

Мактабимизда таълим-тарбия ишларини янада яхшилашда вилоят ҳокимлиги яқиндан кўмак бермоқда. Ўтган йили мактаб биноси мукаммал таъмирланди. Синф хоналари янада ёруғ, шинам тус олди. Мактаб кутубхонаси зарур ўқув-услубий қўлланмалар билан бойитилди.

Ҳозир мактабимизнинг алоҳида рақс дастасини ташкил этиш ишлари билан бандмиз. Наврўз байрамига аталган "Ассалом, баҳорим" номли дастурни тайёрлашга киришдик. Янгиликка интилган ўқитувчи ва шогирдлар қизғин ижод билан шуғулланмоқда. Бу ҳаракатларнинг бари юртимизда санъат ва маданият соҳасига жиддий эътибор берилаётгани натижасидир.

**Галина НАЗАРОВА,**
**Урганч шаҳридаги 1-болалар мусиқа мактаби директори.**


ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**

ва бошқармаларининг навбатчилик қисмларига қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

*Мурожаат этган шахснинг исм-шарифи сир сақланиши кафолатланади.*

«Ишонч телефонлари» рақамлари:

| | | |
|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | (8-371) | 233-22-33, (8-371) 233-39-39 |
| Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | (8-361) | 222-56-76 |
| Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси | (8-371) | 232-03-30 |
| Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси | (8-374) | 224-87-50 |
| Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси | (8-365) | 224-64-86 |
| Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси | (8-372) | 226-03-02 |
| Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси | (8-436) | 223-06-71 |
| Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси | (8-369) | 226-60-55 |
| Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси | (8-366) | 233-00-00 |
| Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси | (8-367) | 225-33-30 |
| Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси | (8-376) | 227-25-51 |
| Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси | (8-371) | 264-18-32 |
| Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси | (8-373) | 224-29-08 |
| Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси | (8-362) | 226-37-10 |
| Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси | (8-375) | 221-82-45 |
| Транспорт ички ишлар бошқармаси | (8-371) | 252-61-39 |



291R/327







ЭЪЛОН!

2008 йил 28 март соат 10.00 да

| | |
|---|---|
| ВШ-709 | «Янгиер — Тошкент» икки томондан |
| ВШ-723 | «Наманган — Фарғона» икки томондан |
| ВШ-726 | «Қўқон — Чуст» икки томондан |
| ВШ-771 | «Наманган — Марғилон» икки томондан |
| ВШ-788 | «Гулистон — Тошкент» икки томондан |
| ВШ-807 | «Самарқанд — Ғаллаорол» икки томондан |
| ВШ-809 | «Навоий — Зиёдин» икки томондан |
| ВШ-835 | «Андижон — Марғилон» икки томондан |
| ВШ-863 | «Самарқанд — Гагарин» Гагарин томонидан |
| ВШ-881 | «Жума — Тошкент» Жума томонидан |
| ВШ-884 | «Пайариқ — Тошкент» Пайариқ томонидан |
| ВШ-939 | «Ургут — Тошкент» Ургут томонидан |
| ВШ-970 | «Гулистон — Гагарин» Гагарин томонидан |
| ВШ-972 | «Дўстлик — Гагарин» икки томондан |
| ВШ-978 | «Зомин — Пахтаобод» Зомин томонидан |
| ВШ-990 | «Қўшработ — Тошкент» Қўшработ томонидан |
| ВШ-1101 | «Гулистон — Тоиров» икки томондан |
| ВШ-1102 | «Янгиер — Зомин» икки томондан |
| ВШ-1111 | «Мирбозор — Тошкент» икки томондан |
| ВШ-1114 | «Ҳазорасп — Элликқалъа» икки томондан |
| ВШ-1112-ЙТ | «Мирбозор — Навоий» икки томондан |

**шаҳарлараро-вилоятлараро автобус йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.**

Очиқ тендерда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **Идоралараро комиссия**.

**Комиссия манзили:** Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **Идоралараро комиссияга** тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Турон» АТБдаги 20210000000745005012 махсус ҳ/р (банк коди 00446, ИНН 202811527, ХХТУТ 97300)га 25 минг сўм ўтказиб, 2008 йил 22 мартгача буюртма беришлари лозим.

**Идоралараро комиссия** тендер таклифларини 2008 йил 27 март соат 19.00 гача қабул қилади.



**Тендер ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Усмон Юсупов к., 3-уй, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.**

**Маълумот учун телефонлар: 142-56-27, 142-18-10.**


# ИҚТИДОР УЧУН РАҒБАТ

***"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Фарғона вилояти кенгаши томонидан махсус стипендия таъсис этилди.***

Мазкур стипендия вилоятдаги академик лицей ва коллежлар ўқувчиларини ижтимоий ҳимоялаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар иқтидорини рағбатлантириш мақсадида жорий қилинган.

Стипендиатларни касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари ўн бир йўналиш бўйича тавсия этади. Айни кунларда эса танловнинг биринчи босқичи давом этмоқда.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистон Республикасининг кекса савдо фахрийси Яҳъё Иброҳимовга укаси

**Ёқубжон ИБРОҲИМОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Sport» телерадиоканали «Машъал» радиоси жамоаси бош муҳаррир Восиқжон Иброҳимовга отаси

**Ёқубжон ИБРОҲИМОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 43619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6 8